

ДАРСЛИК БИЛАН ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

С.Файзуллаев,
ТДПУ
М.Ибодова,
Навоий ДПИ

Республикаимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезони ўқувчиларнинг чуқур билим, юксак интеллектуал салоҳиятга эга баркамол авлод сифатида тарбиялаб вояга етказишни талаб этади. Таълим жараёни барча ўқувчиларнинг қобилиятларини юзага чиқариш, уларнинг билим даражасини орттириш учун кенг имкониятлар яратиши зарур. Баъзан дарс жараёнида ўқувчиларнинг ўқув материалларини етарли даражада ўзлаштира олмаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса ўқитувчидан ўз касбий маҳоратини, иқтидорини ва имкониятларини ишга солиш, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини орттириш учун изланиш олиб боришни, таълим жараёнини самарали ташкил этишнинг ўзига хос технологияларини ишлаб чиқишни ва методик жиҳатдан асослашни тақозо этади. Айтилиши мумкин, биология фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг ўқув материалларини талаб даражасида ўзлаштирилишига эришиш учун ўқувчиларнинг дарслик билан мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш алоҳида аҳмият касб этади.

Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишини орттириши, ўқув кўникмаларини шакллантириши, дарслик билан ишлаш услубларини такомиллаштириши зарур. Ўқувчиларга дарслик улар учун энг яқин кўмакчи, керакли материални топиш, етарли даражада ўзлаштирамаган ёки эсан чиқарган маълумотларни қидириш имконини берувчи, шунингдек, янги билимлар манбаи эканлигини тушунтириши лозим. Мазкур муаммо юзасидан кўп йиллик изланишларимиз дарслик билан ишлашни яхши ташкил этилгандагина самарали натижага эришиш мумкин эканлигини кўрсатди.

Биз дарслик билан ишлаш тизимини 5-9-синфлар мисолида ҳар бир параллел синфларда олиб бордик ва қуйидагилар асосида амалга оширдик:

1. Дарслик билан ишлаш;
2. қўшимча адабиётлар билан ишлаш;
3. Ўқитувчининг мактаб кутубхоначиси билан ҳамкорликда ишлаши.

Дарслик билан ишлаш икки йўналишда паралел ҳолда олиб борилади:

1. Ўқитувчи ёрдамида дарслик билан ишлаш.
2. Дарсликдаги материаллар билан ўқувчиларнинг мустақил ишлаши.

Бунинг натижасида қуйидаги кўникма ва малакалар шакллантирилади:

1. Матн мазмунини, матнга тааллуқли расмни таҳлил қилиш.
2. Матн, жадвал ва расмга тегишли асосий материалларни ажратиш.
3. Таққослаш, умумлаштириш, матн бўйича хулосалар чиқариш.
4. Матн бўйича баён режасини тузиш.
5. Матнга оид саволлар тузиш.

6. Мавзуга оид биологик атамалар изоҳли луғатини тузиш.
 7. Дарсликдаги матнга оид схема, жадвал, кроссворд ва топшириқларни бажариш.
 8. Янгиликлар тайёрлаш, конспект, “баён” ёзиш.
 9. Муайян мавзуларда рефератлар ёзиш.
 10. Дарслик мавзуларига оид маслаҳатчи-карточкалар (схемалар) тузиш. (Биз уларни мавзуларга оид “шпаргалкалар” деб атаймиз) .
 11. Матнни яхлит қамраб олиш кўникмаларини шакллантириш.
- Дарслик билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш тизимли амалга оширилиши, бундай фаолиятни амалга ошириш алгоритминини ишлаб чиқиш зарур.

Янада яққолроқ тасаввур этишингиз учун бешинчи синф ботаника дарсларида дарслик билан ишлашни кўриб чиқамиз.

5-синфда Ў.Пратов ва бошқалар томонидан яратилган “Ботаника” дарслигидан фойдаланамиз. Ишни дарслик билан таништиришдан бошлайман: дарсликнинг муаллифи ким, қачон нашр қилинган, дарслик форзаци, мундарижаси, ифодаси. Дарслик структураси бўйича “Компас китоб” ўйинини ўтказаман.

“Компас китоб” ўйинининг режаси.

I. Мундарижа бўйича топшириқлар.

1. Дарсликда нечта боб бор?
2. Иккинчи бобда нечта параграф бор?
3. Энг кўп параграф қайси бобга тўғри келади.
4. “Гулли ўсимликлар билан умумий танишиш” мавзуси нечта хатбошидан иборат?
5. Ҳар бир хатбоши қандай гап билан бошланади?
6. Ҳар бир қисмда нималар изоҳланган?
7. Дарсликдаги илова материаллар нечанчи саҳифадан бошланган?
8. Ўсимликлар рўйхати қайси саҳифаларда берилган?
9. “Баргнинг ички тузилиши” мавзусига оид материалларни қаердан топиш мумкин?

II. Мазмун бўйича топшириқлар (Мисол учун, “Гулли ўсимликлар билан умумий танишиш”).

1. Биринчи параграфда қора ҳарфлар билан нималар ажратиб кўрсатилган?
 2. 6-расмда қандай ўсимлик ифодаланган?
 3. Параграфда Сиз учун қизиқарли қандай материаллар берилган?
 4. 11-саҳифадаги қора ҳарфларда ажратилган сўзлар нимани англатади?
 5. 11- саҳифада берилган топшириқлар қандай мақсадда берилган?
 6. Биринчи параграф орқали нималарни билиб олдингиз?
- Бундай ишларни нафақат бешинчи, балки бошқа синфларда ҳам ўқув йилининг бошидан ўтказиш мумкин.

Айнан бешинчи синфда барча дарслар тизими бўйича “ўқув матнлари билан ишлашни ўрганиш”ни аввалдан режалаштириш зарур. Бу иш қуйидаги

режа бўйича оддий кўникма ва малакалардан мураккаброқларини эгаллашга йўналтириш орқали амалга оширилади, яъни,

1. Янги материални тушунтиргандан сўнг дарслик билан ишлаш.
2. Матнда ажратилган асосий тушунчаларни ўқитувчи билан бирга ўқиш.
3. Матнни ўқитувчи билан бирга ўқиш ва ўқилган матнга оид режа тузиш.
4. Тузилган режа бўйича ўқитувчи келтирган намуна асосида жавоблар тайёрлаш.
5. Тузилган режа бўйича ўқувчиларнинг жавоби.
6. Ўқувчиларнинг матнни ўқиши ва уларни таркибий қисмларга ажратиши.
7. Ўқувчиларнинг матнни мустақил ўқиши ва ўқилган матн бўйича мустақил режа тузиши.

Мазкур режа бўйича тизимли ишлаш ва биринчи ярим йилликда самарали натижа берди. Мақсадга мувофиқ ҳолда қуйидаги услубни ҳам амалга ошириш мумкин: ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги фаолиятни тақсимлаш. Ўқитувчи материалнинг баъзи қисмларини баён этади, қолган қисмини ўқувчи дарсликдан ўзлаштиради. Албатта ўқувчиларнинг дарслик билан ишлашга ўргатиш учун дастлаб ўхшашлик, таққослаш характеридаги топшириқларни беришга ҳаракат қиламан.

“Ўсимликларнинг ҳаётий шакллари” мавзусини ўрганиш учун дарслик билан ишлашни бир неча услубларини кўриб чиқамиз.

Ишнинг биринчи кўриниши. Матнни хатбошидан муҳокама этиб ўқиш. Ўқитувчи билан ҳамкорликда ўқилган мавзу юзасидан режа тузилади.

Матнни ўқиш	Режа
1. Биринчи гапни ўқиш. Хулоса.	1.Ўсимликларнинг ҳаётий шаклига таъриф.
2.Биринчи абзаци ўқиймиз. Хулоса.	2. Дарахт, бута, яримбута, бир йиллик, икки йиллик, кўп йиллик ўсимликлар.
3. Иккинчи абзаци ўқиймиз. Хулоса.	3. Дарахтлар ва уларга хос хусусиятлар.
4. Учинчи абзаци ўқиймиз. Хулоса.	4. Дарахтлар оз ёки кўп йил яшайди.
5. Тўртинчи абзаци ўқиймиз. Хулоса.	5. Бир турга мансуб дарахтлар яшаш шароитига кўра бир-биридан фарқ қилади.
6. Бешинчи абзаци ўқиймиз. Хулоса..	6. Дарахтлар орасида жазирама иссиққа мослашган турлари ҳам бор (саксовул).
7. Олтинчи абзаци ўқиймиз. Хулоса.	7. Буталар ва уларга хос хусусиятлар, мисоллар.

8. Еттинчи абзацни ўқиймиз. Хулоса	8. Ярим буталар ва уларга хос хусусиятлар, мисоллар.
9. Саккизинчи абзацни ўқиймиз. Хулоса	9. Кўп йиллик ўтлар, мисоллар
10. Тўққизинчи абзацни ўқиймиз. Хулоса	10. Икки йиллик ўтлар, мисоллар.
11. Ўнинчи абзацни ўқиймиз. Хулоса.	11. Бир йиллик ўтлар, мисоллар
12. Ўн биринчи абзацни ўқиймиз. Хулоса.	12. Бир йиллик маданий ўсимликлар, жуда майда ва бўйи 1м.

Режа ўқувчиларнинг дафтарига ёзилади.

Ишнинг иккинчи кўриниши.

Мавзуни луғат кўринишида ифодалаш ва ўрганиш:

Ҳаётий шакл –

Дарахт -

Бута -

Ярим бута -

Бир йиллик ўт -

Икки йиллик ўт -

Кўп йиллик ўт -

Кейинги дарсда ўқувчиларга дарахт, бута, ярим бута ва ўт ўсимликларнинг вакиллари расмини чизиб келиш топширилади.

Ишнинг учинчи кўриниши. Матн мазмунини схема тарзида ифодалаш ва тўлдириш.



Ўқувчиларга матн бўйича схемали топшириқларни бажариш жуда маъқул бўлади. (Биз буларни “шпаргалкалар” деб атаيمиз). Уларни тўлдиришда ўқувчиларнинг ижодий ташаббускорлиги ортади. Схемани тўлдиришда танлов ўтказилади, ҳар бир ўқувчи ўз бажарган ишини (схемасини) муҳокама этиши мумкин, сўнгра ўқитувчи ҳамкорлигида энг яхши ва тўлиқ тузилган схема танлаб олинади.

Ишнинг тўртинчи кўриниши. кўшимча топшириқ: дарахт, бута, ярим бута, ўт ўсимликларги хос шеърлар ва қизиқарли маълумотлар тўплаш, кроссвордлар тузиш.

Ўқувчиларга кўшимча адабиётлар ёрдамида ёки мустақил тарзда кроссвордлар тузиш, шеърлар ёзиш ёки қизиқарли маълумотлар тўплаш топширилади. Мазкур топшириқ мавзу ўтилмасдан аввал ўрганиш мақсадида ёки мустаҳкамлаш мақсадида уйга вазифа қилиб берилади.

Дарслик билан ишлашни ташкил этишнинг яна бир ўзига хос тури ҳар бир мавзу сўнгида (Ў.Пратов ва бошқ. Ботаника 5-синф учун дарслик)

мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар, расмли, жадвалли, тест топшириқлари, мақоллар, кроссвордлар, топишмоқлар, дарсдан ташқари вақтда бажариш учун вазифалар берилган бўлиб, уларни мустақил равишда бажаришга йўналтириш ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини орттириш билан бирга, ижодий ва мустақил фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

Шунингдек, 5-синф ботаника дарсларидан бошлаб ўқувчиларга турли топшириқларни бажаришда қўшимча адабиётлар билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириб бориш зарур. Бу мақсадда ўқувчиларга турли манбаларга мурожаат этишга оид топшириқлар бераман. Мисол учун, “Ўсимликлардан халқ табобатида фойдаланиш” ҳақида маълумот тўплаш учун турли газета ва журналлар, халқ табобатига оид адабиётлардан фойдаланишга тўғри келади. Шунингдек уларга фойдаланган манбанинг номи ва саҳифасини тўлиқ ёзишни маслаҳат бераман. 5-синфдан бошлаб кичик рефератлар ёзишга ўргатиб бораман. Мисол учун, “Ўсимликларнинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти” мавзусида реферат ёзиш учун ўқувчилар табиат ва инсон ҳаёт фаолияти билан боғлиқ материалларни қидириб топишига тўғри келади.

Дарслик билан ишлашда баъзи жаҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Айниқса, ўқувчиларнинг матн билан мустақил ишлашини ташкил этишда мураккаб мазмундаги мавзуларни ўрганишда ўқувчилар ўз кучига ишончини йўқотиши ҳамда бундай ишга қизиқиши йўқолиши мумкин.

Дарсни дарслик билан ишлаш орқали ташкил этишда дастлаб вақт етишмаслиги, дастурдан орқада қолиш ҳоллари кузатилиши мумкин. Бироқ, ўқув йили охирига келиб ўқувчиларнинг дарслик билан мустақил ишлашининг барқарор алгоритми шаклланади, яъни дарсда улар ҳаракати фаоллашади, материал янада мустаҳкам ўзлаштирилади. Ўқувчининг ўзи мустақил ўзлаштирган билими, ўқитувчи тушунтириши орқали ўзлаштирган билимдан етарли даражада мустаҳкамроқдир. Мустақил ўзлаштириш муваффақиятга эришиш қувончи ва ғурур ҳиссини ҳаёти этади. Шундай қилиб ўқув йили охирида ўқувчилар ўқилган матн бўйича режа тузиш, режа бўйича оғзаки баён этиш, ўз жавобини таҳлил этиш, матнни схема, расм тарзида тасвирлаш, атамалар луғатини тузиш, у билан ишлаш ва ундан фойдаланиш, кичик маълумотлар тайёрлаш, қўшимча адабиётлардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўладилар. Юқори синфларда дарслик билан ишлашнинг бошқа шакллари қўлланади.